Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки АЖ Навоий вилоят Бош бош бошқармаси Нурота БХОда ўтказилган йиғилиш баёни

2026 йил 25-июн **Нурота тумани.**

Раислик қилувчи: **Х.Ж.Бобохўжаев**- "Ўзмиллийбанк" АЖ Нурота БХО мудири

Қатнашдилар: Офис ходимлари, ва банк мижозлари. Қатнашчилар сони 15 нафар.

К У Н Т А Р Т И Б И:

1. "Ўзмиллийбанк" АЖ таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом талабларини ўрганиш;
2. "Ўзмиллийбанк АЖ тизимида коррупсияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида берган ёки коррупсияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларнинг хавфсизлиги кафолатлари ва рағбатлантириш тартиби тўғрисида"ги Низом;

(Х.Ж.Бобохўжаев, М.Ф.Инотов)

Кун тартибидаги масала юзасидан Ўзмиллийбанк АЖ Нурота БХО мудири Х.Ж.Бобохўжаев сўзга чиқиб, коррупсия билан боғлиқ, салбий ҳолатларнинг оқибати билан эмас, балки уни келтириб чиқарадиган сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиш орқали самарали механизмларини жорий этиш устувор мақсадга айланиши кераклигини айтиб, коррупсияга қарши курашишнинг энг тўғри ва самарали йўли коррупсиянинг содир этилишига имконият яратаётган сабаб ва омилларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш, лозимлигини айтиб, ушбу иллат ҳар қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий зарар етказиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари паймол бўлишига олиб келиши, унга қарши курашиш муҳим аҳамият касб этишини айтиб, ўтди.

Ходимнинг шахсий мафаатдорлик ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришга таъмсир кўрсатаётган ҳамда шахсий мафаатдорлик билан жамият ҳуқуқлари ўртасидаги қарама-қаршилик кўрсатилишларини алоҳида назоратга олинган бўлиб, "Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 05-июндаги №931-сонли "Манфаатлар тўқнашуви" тўғриси"даги Қонуни талабларини талаблари асосида ҳар бир ходим йиллик декларация тўлдириб, уларнинг якин қариндошлари банкимизга мурожаат килиб, келишганда ўрнатилган тартиб асосида хизмат кўрсатилиши йўлга қўйилган.

Коррупсияга қарши курашиш соҳасида Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг худудий ва таркибий бўлинмаларида ҳалоллик сиёсатини таъминлаш, яъни ходимлар фаолияти ва жамиятда коррупсияга қарши курашиш маданиятини оширишда коррупсияга карши комплаенс назорат масалалари муҳим ўрин

эгаллашини айтиб, халқаро иқтисодиётга коррупсияга оид ҳолатларини содир этилиши оқибатида етказилаётган зарарларнинг тобора ортиб бораётгани, давлатимиз раҳбари кўплаб маъруза ва чиқишларида лоқайдлик, бепарволик, порахўрлик, коррупсия, сохтакорлик, мансаб ваколатини суистеъмол қилишга қарши кураш бутун жамиятнинг мақсадига айланиши зарурлигини айтиб, коррупсия-шундай иллатки, уни бир ёки икки департамент, тузилма саъй-ҳаракати билан йўқ қилиб бўлмаслигини, қачонки, барча ходимларимиз, жамоа бўлиб унга қарши биргаликда курашиб, унинг илдизларини йўқ қилишга киришилсагина ижобий натижага эришиш мумкинлигини айтиб, ходимларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, банк муассасида коррупсияга нисбатан муросасиз муносабатга эришиш, олиб борилаётган ҳозирги даврда мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий билими ва маданияти даражасига нисбатан алоҳида талаблар ишлаб чиқиш, қонунларга ҳурматсизлик қилган мансабдор шахсларга нисбатан қатъий чоралар кўриш, тўғри ва адолатли қарорлар қабул қилинса, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланса, ижтимоий ҳимоя кучайтирилса, халқнинг жамиятда адолат, ҳақиқат борлигига ишончи ортади. Унинг акси бўлса, одамлар орасида норозилик ва ҳукуматга нисбатан ишончсизлик юзага келишини айтиб ўтди.

Шунингдек, коррупсияга қарши муваффақиятли кураш тизимини барпо этишда кенг кўламли халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш, унга танқидий ёндошиш кераклигини айтиб, мамлакатимизда коррупсияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш билан боғлиқ ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлигини айтиб, Коррупсия-ўзига тамагирликни қамраб олган ҳолда жамиятнинг маънавий устунлари ҳамда демократияни емириб, мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий тараққий этиши учун улкан хавф эканлиги баён этди.

Кун тартибидаги масала юзасидан, юқорида таъкидлаб ўтилган вазифаларни сўзсиз бажарилишини таъминланишини бу борада тегишли чора-тадбирлаб белгиланиб, иш тизимини янада такомиллаштиришига келишилди.

Йиғилиш раиси **Х.Ж.Бобохўжаев**

25.06.2026 куни Ўзмиллийбанк АЖ Нурота БХОда ўтказилган йиғилиш жараёни